


Устингиздаги неъмат билан ғурурга кетманг!



14:00 / 28.08.2023 1203

Дейдиларки, олим илми билан, зангин моли билан, фақир эса жони билан имтиҳон қилинади. Олимга илми борасида синовлар, имтиҳонлар берилади. Фитналарга тугилади. Гоҳо, унинг нафси илми тугайли уни бошқалардан устун кўрсатмоқчи бўлади. Кибр ва ужуб шамоллари ҳар ён тебратади. Тўзғитади. Унинг синови шу. Обрўю мансаб ва шуҳратдан иборат дунёнинг муғриётларига қарши сабот билан тура олиш. Ўз йўлини йўқотиб қўймаслик. Ва ҳолис Аллоҳ ризоси учун илм тарқатиш.

Бадавлат инсоннинг синови эса моли билан боғлиқ бўлади. Эҳсон қилиш ҳақида сўралса, бу иш унга оғир келади. Осон бўлмайди. Бир бадавлат инсондан моддий ёрдам сўрашибди. Эҳсон қилишини илтимос қилишибди. У эса «мол бу жон эмас-ки, бериб юборсак!», дебди.

Бу тоифа инсонлар бутун бу молу мулкка ўзим эришганман, ўз билимим тугайли қозонганман дея Қоруннинг йўлини тутадими ёхуд Аллоҳ таоло менга эҳсон қилгани каби мен ҳам ўзгаларга эҳсон қиламан, дея муҳсинлар йўлига эргашадими, буларни зоҳир қилиш учун ҳам Аллоҳ томонидан синалади. Зеро, ҳеч бир неъмат йўқки, синови бўлмаса. Сўрови бўлмаса...

Яна инсонга бою камбағаллигидан қатъи назар турли хасталиклар, дардлар етади. Жонига озор етади. Утин ёнар кул бўлар, инсон ёнар кул бўлар, демишлар. Банданинг бошига келадиган синовлар, имтиҳонлар,

балою мусибатлар унинг жонини ёқади. Аммо, шу билан бирга унга қуллигини ҳам эслатади. Қозифини кўрсатади. Яхшиликка сабаб бўлади.

Ўйламанг, синов фақат аччиқ бўлади, деб. Синовнинг энг хатарлиси ширин бўлганидир. Чунки, бунда инсон синалаётганини билмайди. Аллоҳнинг «макридан» ўзини омонда ҳис этади. Ҳатто, ўзини Аллоҳга энг яқин банд, деб ўйлай бошлайди. Бирор яхшиликка йўлиқса, Худо деган одамман-да, деб қўяди. Мусибатга учраса, «Эй Худо, нега менга бундай нарса юборяпсан, мен бунга лойиқ бўлган ёмон одаммасман-ку», дея эътироз қилади. Ваҳоланки, Аллоҳ таоло энг яхши бандаларига ҳам оғир синовлар берган. Ўз пайғамбарларини, авлиёларини тоқат қилиш қийин бўлган мусибатлар билан синаган. Бинобарин, инсонга берилган неъмат Аллоҳ уни яхши кўришини, мусибатлар эса Аллоҳ уни ёмон кўришини лозим тутмайди. Исломдан аввалги умматлардан бўлган кўр, кал ва пес қиссасини эсланг. Улар ўзлари орзулаган неъматлар билан имтиҳон қилинган эдилар. Лекин, улардан фақат биттасигина синовдан ўта олган.

Шундай экан, устингиздаги неъмат билан ғурурга кетманг. Аллоҳнинг синовидан хотиржам бўлманг. Айни чоғда бошингизга тушган мусибат ва қийинчиликлар билан, дарду аламлар билан эзилиб, ўзингизни бахтиқаро ҳис қилманг. «Агар уларни ёқтирмасангиз, ажаб эмаски, Аллоҳ сиз ёқтирмаган нарсада кўпгина яхшиликларни қилса» (Нисо сураси, 19-оят). Яна бир ояти каримада эса шундай дейилади: (мазмуни) «Сизлар ўзингиз учун яхши бўлган нарсани ёқтирмаслигингиз ва сиз учун ёмон бўлган нарсани яхши кўришингиз мумкин. Аллоҳ билур, сиз билмассиз» (Бақара сураси, 216-оят).

Ниёзий Мисрий айтади:

Дармон излардим дардимга,
Дардим менга дармон эмиш.
Бурҳон излардим аслимга,
Аслим менга бурҳон эмиш.
Ўнгу сўлим кўзлар эдим,
Дўст юзини кўрсам дея.
Ташқаридан излар эдим,
Ул жон ичинда бир жон эмиш.

Яъни, дардимиз аслида дармонимиз экан. Дардларга сабр қилсак, у бизни дармонга етиштирар экан. Аслу наслимизга бурҳон (ҳужжат) қидириб, юрибмиз. Аслида эса борлигимиз энг катта бурҳон экан. Ўзимизни танисак, Аллоҳни ҳам танир эканмиз. Ҳақиқий дўстни ҳар-хил жойдан излаб юрамиз. Ҳолбуки, у бизга жон томиримиздан ҳам яқин экан.

Алишер Султонходжаев

Ушбу мақола Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитанинг 2023 йил 16 июндаги 03-07/4775-рақамли хулосаси асосида тайёрланди.